

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САФАЕВ БОБУРЖОН БАХОДИР-ЎҒЛИ

ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШДА
ЭЛЕКТРОАКТИВЛАНГАН ЭРИТМА ЁРДАМИДА АБАКТЕРИАЛ
МУҲИТДАН ФОЙДАЛАНИШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2025

Фалфаса доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафаев Бобуржон Баходир угли

Диабетик товон синдромини даволашда электроактивланган эритма
ёрдамида абактериал муҳитдан фойдаланиш3

Сафаев Бобуржон Баходир угли

Применение абактериальной среды с использованием электроактивного
раствора при лечении синдрома диабетической стопы27

Safayev Boburjon Bakhodir ugli

The use of an abacterial medium using an electroactive solution in the treatment of
diabetic foot syndrome.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....56

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САФАЕВ БОБУРЖОН БАХОДИР-ЎҒЛИ

ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШДА
ЭЛЕКТРОАКТИВЛАНГАН ЭРИТМА ЁРДАМИДА АБАКТЕРИАЛ
МУҲИТДАН ФОЙДАЛАНИШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4143 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Уроков Шухрат Тўхтаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Рўзиев Санжар Абдусаломович

тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Гуламов Олимжон Мирзахитович

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc 04/27.09.2024. Tib.93.03 рақамли илмий кенгашининг 2025 йил 18 феврал соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50; Веб-сайт: www.bsmi.uz; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш, Гиждувон кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил 18 феврал кuni тарқатилди.

(2025 йил «18 феврал» даги 5 рақамли реестр баённомаси



М.М.Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зпурати. Дунёда ҳар йили диабетик товон синдромининг кўпайиб боришига сабаб бўлувчи «...қон айланишининг бузилиши, диабетик товон синдромининг патогенезида муҳим ўрин тутадиган нейро ва микроангиопатияларга олиб келади, бу оёқ кафтида ярали некротик жараёнлар ва гангрена юзага келиш хавфини оширади ёки вужудга келтиради...»¹. Қандли диабетнинг тарқалганлиги бутун дунёда кўпайишда давом этмоқда ва халқаро диабетик фонднинг баҳоларига кўра, унинг частотаси «...2021-йилда бутун дунёда диабет билан яшаётган, 20 ёшдан 79 ёшгача бўлган инсонлар сони 537 миллион, шулардан 50% ида оёқ кафтининг ярали нуқсонлари аниқланади...»².

Дунё олимлари томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, диабетик товон синдроми диабетнинг инсон меҳнатга лаёқатсизлигини келтириб чиқарувчи энг оғир асоратлардан бири ҳисобланади ва оёқ ампутацияси шу билан бирга, беморларнинг ўлимга олиб келиши мумкин. Диабетик товон синдромида жароҳатларни даволаш нафақат беморлар ва уларнинг оила аъзолари, балки тиббиёт ходимлари учун ҳам масулиятли ва шарафли тиббий хизмат кўрсатишни талаб этувчи мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади.

Нашр қилинган кўп сонли илмий тадқиқот ишларда қандли диабет мавжуд беморларда диабетик товон синдроми юрак, қон-томир тизимларидаги ўзгаришлар ва ўлим ҳолатлари ўртасида ўзаро боғлиқликни кўрсатади. Қандли диабет фонидида оёқларнинг критик ишемияси туфайли соннинг юқори учдан бир қисми даражасида ампутациясининг қоникарсиз натижалари, оёқ ампутацияларида операциядан кейинги эрта асоратларнинг олдини олиш долзарблиги ва ижтимоий аҳамиятини аниқлайди, бу эса ушбу касалликларни жарроҳлик даволаш тактикасини оптималлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар орасида касалликларга эрта ташҳис қўйиш, уларнинг асоратларининг частотасини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»³ вазифалари белгиланган. Ушбу режада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг вазифалари

¹ Рогова Н. В., Кузьмина Т. Н. Обзор российских и международных клинических рекомендаций по ведению пациентов с синдромом диабетической стопы //Вестник Волгоградского государственного медицинского университета. – 2022. – Т. 19. – №. 2. – С. 177-183.

²Дубровщик О. И. и др. Критическая ишемия нижних конечностей ассоциированная с синдромом диабетической стопы: оценка эффективности вариантов комплексного лечения в общехирургическом стационаре. – 2023

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

белгилаб берилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармони, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон қарори, 2020 йил 10 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4891-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотчилар маълумотларига кўра, диабетик товон синдроми (ДТС) ривожланиш хавфи ёш катталари ва диабет кечуви давомийлиги кўпайиши билан ортади, қандли диабет фонида оёқларда магистрал артериялар окклюзияли шикастланиш частотаси барча кузатувларда 29% дан 81% гача ташкил этади. Диабетик гангренада ампутациялар частотаси 83,1% ни ташкил қилади, барча нотравматик ампутацияларнинг 50% дан 70% гача қандли диабет билан касалланган беморларга тўғри келади, бунда касалхонада вафот этишлар кўрсаткичи – 40% гача сақланиб қолмоқда. Бир томонлама юқори ампутация бажарилган беморларнинг 50% атрофида фақат хонадон ичида ҳаракатланишга қодир, 51-73% беморларда контрлатерал кафтида йирингли-некротик ўзгаришлар ривожланади, аксарият ҳолларда бу ҳам ампутациясига кўрсатма ҳисобланади (Малахов Ю. С. ва ҳаммуал., 2019).

Оёқнинг критик ишемияси билан асоратланган диабетик товон синдроми ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг юқори даражалари билан тавсифланади. Беморларни ногиронликка олиб келувчи энг кўп учрайдиган сабаб болдир ёки сон даражасида бажариладиган юқори ампутациялар ҳисобланади, у оёғида критик ишемия мавжуд беморларнинг 25-30% дан ортиғида амалга оширилади (Рузибоев Ш.Ж.; ва ҳаммуал., 2025). Удовиченко О. В. маълумотларига кўра, Москва шаҳрида ҳар йили ДТС юзасидан 1500 тадан 2000 тагача ампутациялар бажарилади, бу 100 минг аҳолига 15-20 кишини ташкил этади. Оёқларда “юқори” ампутациялар натижасида летал ҳолатлар 25-50% га етади (Абдуллаев С.А ва ҳаммуал., 2024).

Хорижий муаллифларнинг маълумотларига кўра қандли диабет ва оёғида критик ишемия мавжуд беморларда ўлим ҳолати 5 йил давомида 30% ни ташкил этади. Қандли диабет фонида оёғида критик ишемия мавжуд

беморларда оёқнинг периферик соҳасида қон томир оқимини қайта тиклаб бўлмайдиган беморлар сони, турли муаллифларнинг маълумотларига кўра 80% га етиши мумкин. Бундай беморларга ҳаётий кўрсатмалар бўйича оёқ ампутацияси бажарилади (Митиш, В.А., ва ҳаммуал., 2020).

Диабетик товон синдроми ва критик ишемия билан асоратланган оғир даражасида йирингли некротик шикастланишларни даволаш усулини танлаш ҳақидаги муаммолар тўлиқ ҳал этилмаган. Шунингдек бугунги кунда клиника амалиётида оёқларнинг критик ишемияси билан асоратланган диабетик товон синдромида оёқларнинг йирингли-некротик шикастланишини даволашда элетротро фаол этритмадан фойдаланиб абактериал муҳитни қўллашнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар кам.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2022.PhD.148) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш” (2022–2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Оёқларда критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларни эндоваскуляр амалиёт ва абактериал муҳит қўллаш йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оёқларда критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларни анъанавий усулда даволаш натижаларини ўрганиш;

оёқларда критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларни эндоваскуляр амалиёт ва абактериал муҳит қўллаш орқали даволаш натижаларини ўрганиш;

диабетик товон синдромини даволашда абактериал муҳит қўллаш самарадорлигини аниқлаш;

асосий ва қиёсий гуруҳлардаги беморлар натижаларни таққослаш асосида диабетик товон синдромини даволашнинг самарали такомиллаштирилган янги усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 2010-йилдан 2023-йилгача бўлган даврда Бухоро кўп тармоқли вилоят тиббиёт маркази, Бухоро давлат тиббиёт институти клиникасида стационар даволанишда бўлган, диабетик товон синдромининг оғир даражасида оёқнинг критик ишемияси мавжуд 104 нафар беморлар бўлган.

Тадқиқотнинг предмети диабетик товон синдромида оёқнинг критик ишемияси мавжуд беморларда жарроҳлик йўли билан даволашнинг дифференсацияланган тактикасини ишлаб чиқиш ҳамда клиник-биокимёвий ва тактик-техник жиҳатларни ўрганиш бўлган ҳамда оёқ артерияларида окклюзион жараёнларининг жойлашуви, анъанавий усулда даволаш кечуви ва якуни, шунингдек абактериал муҳит қўллаш самарадорлиги ўрганилган.

Тадқиқотнинг усуллари. клиник, клиник-лаборатор, ускунавий (ултратовушли дуплекс ангиосканерлаш, ангиография, PO₂ тўқималар), бактериологик ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

диабетик товон синдроми билан касалланиш натижасида оёқларда критик ишемияси мавжуд беморларни анъанавий усулда детоксикацион, умумий антибактериал, ва маҳаллий хирургик аралашувлар натижалари умумий интоксикация, полиорган етишмочилиги ва жараҳатнинг битиш тезлиги етарлича ижобий таъсир этмаслиги аниқланган;

илк бор оёқларда критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларни оғир даражасини йирингли некротик жароҳатларини маҳаллий даволаш усулини такомиллаштиришда абактериал муҳитни ультрабинафша нурларини ҳамда ЭФЭ-А (электрофаол эритма – А) ни қўллаш ижобий таъсири исботланган;

оёқларда критик ишемия билан диабетик товон синдромининг оғир даражаси мавжуд беморларни товон болдир соҳаси йирингли некротик жароҳатларини даволашда абактериал муҳитни ультрабинафша нурларини, ЭФЭ-А (электрофаол эритма – А) билан биргаликда бир вақтда қўллаш учун махсус ускуна (камера) ишлаб чиқилган;

илк бор оёқларда оғир даражали критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларда товон болдир соҳасидаги йирингли некротик жароҳатларни даволашда маҳаллий абактериал муҳитда ультрабинафша нурлар ва электрофаол эритмасини лаваж усулида олти соатдан кунига икки бор қўллаш билан даволашнинг янгича оптимал усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

оёқларда критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларни анъанавий усулда даволашнинг камчиликлари ўрганилган;

диабетик товон синдром ва оёқларнинг критик ишемияси фониди йирингли некротик шикастланишлари бўлган беморларни шикастланиш даражаси ва жойлашувини эътиборга олган ҳолда даволашда абактериал муҳитни қўллашнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилган;

олинган тадқиқот натижаларининг қиёсий таҳлили асосида оёқларда критик ишемия билан ДТС мавжуд беморларни даволаш тактикаси усулининг оптимал алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлар сонининг етарлилиги, клиник, инструментал (УТТ, Ангиография, Рентгенография), статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган хулосалар ва таклифлар оёқларида критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларда йирингли некротик яраларни даволашнинг ўзига хосликларини

ўрганишга катта ҳисса қўшувчи ўзининг назарий аҳамиятига эга эканлиги билан аниқланган. Оёқлар ампутациялари сонини камайтириш ва жарроҳлик амалиётини режалаштиришда унинг усулини танлашни оптималлаштириш имконини берувчи электро фаол эритмадан фойдаланиб абактериал муҳит қўллашнинг самарадорлиги исботланган. Оёқларида критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларни патогенези, клиникаси, диагностикаси ва жарроҳлик йўли билан даволашни ўрганишдан олинган алоҳида натижалар бакалавр, ординатура ва магистратура ўқувчиларининг қўлланмалари ва мавзулари тузилиши ҳамда мазмунини яхшилаш имконини берган.

Ишнинг амалий аҳамияти, оёқларида критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларни электро фаол эритмадан дан фойдаланиб абактериал муҳит қўллаган ҳамда оёқ томирлари окклюзияси жойлашуви жойи ва даражасини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш тактикаси оптималлаштирилганлигидан иборат. Электро фаол эритмадан фойдаланиб абактериал муҳит қўллаш самарадорлиги: яралар ва туқималар грануляцияси мумуддати тезлашиши, шиш ва гиперемия тўхташи муддатининг қисқариши кўринишида намоён бўлади. Оёқларда томирларга абактериал муҳит ҳамда эндоваскуляр амалиётнинг ўз вақтида қўлланиши мазкур тоифа беморларда ампутациялар сонини камайишига олиб келиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиши.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 22 октябрдаги 07/108 – сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: диабетик товон синдроми билан касалланиш натижасида оёқларда критик ишемияси мавжуд беморларни анъанавий усулда детоксикацион, умумий антибактериал, ва маҳаллий хирургик аралашувлар натижалари умумий интоксикация, полиорган етишмочилиги ва жараҳатнинг битиш тезлига етарлича ижобий таъсир этмаслиги аниқланган *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* олинган натижалар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, диабетик товон синдроми билан оғриган беморларда пастки муччаларнинг критик ишемиясида йирингли некротик яраларни даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалиёт маълумотлари Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига (09.09.2024 йил, №1651-2-42-TV/2024 буйруғи) ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (18.09.2024 йил, №3534-2-208-TV буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу янги даволаш улулини қўллаш, асоратларнинг сонини камайтириш, даволаш сифатини яхшиланиш ва беморларда ўлим хавфини камайтиришга ёрдам берган. *Иқтисодий самарадорлик:* касалхонада ётишнинг ўртача давомийлигини 6 кунга камайтириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 630 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 120 000 сўмга камайтирилган. *Хулоса:* диабетик товон синдроми ва пастки муччаларнинг критик ишемияси бўлган беморларда анъанавий даволаш усулидаги камчиликларни ўрганиш асоратларни ва ўлимни сезиларли даражада камайтиришга, даволаш натижаларини яхшилашга эришилган.

иккинчи илмий янгилик: : илк бор оёқларда критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларни оғир даражасини йирингли некротик жароҳатларини маҳаллий даволаш усулини такомиллаштиришда абактериал муҳитни ультрабинафша нурларини ҳамда ЭФЭ-А (электрофаол эритма – А) ни қўллаш ижобий таъсири исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* абактериал муҳитнинг самарадорлигини ўрганиш, ЭФЭ-А 'дан фойдаланган ҳолда, пастки муччаларнинг ампутациясини камайтиришга ёрдам бериши, шу билан бирга оператив даволашни режалаштиришда даволаш усулини оптималлаштириш имконини берган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига (09.09.2024 йил, №1651-2-42-TV/2024 буйруғи) ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (18.09.2024 йил, №3534-2-208-TV буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* беморларни даволашда абактериал муҳитни қўлланилиши, асоратлар ривожланиши хавфини камайтиришга, беморларни профилактика ва даволаш сифатини яхшилашга имкон яратган. *Иқтисодий самарадорлик:* беморнинг касалхонада даволаниш даври ўртача 6 кун қисқарилиши билан 630 000 сўмга харажатлар камайган, дори дармонлар харажати эса 120 000 сўмга камайган. *Хулоса:* диабетик товон синдроми ва пастки муччаларнинг критик ишемияси билан оғирган беморларда, жароҳатнинг биринчи босқичида ЭФЭ -А ни абактериал муҳитда кулланилиши яраларнинг даволанишига ижобий таъсир кўрсатган.

учинчи илмий янгилик: оёқларда критик ишемия билан диабетик товон синдромининг оғир даражаси мавжуд беморларни товон болдир соҳаси йирингли некротик жароҳатларини даволашда абактериал муҳитни ультрабинафша нурларини, ЭФЭ-А (электрофаол эритма – А) билан биргаликда бир вақтда қўллаш учун махсус ускуна (камера) ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* абактериал муҳитни қўллаш учун махсус ускуна (камера) қўллаш натижалари, яраларни тозалаш ва грануляцион тўқиманинг ҳосил бўлиши муддатларини тезлаштириш, шиш ва гиперемияни бартараф этиш вақтни қисқартириш самарадорлигини кўрсатган.. *Амалиётга жорий этилиши:* олинган маълумотлар Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига (09.09.2024 йил, №1651-2-42-TV/2024 буйруғи) ва Каган шаҳар тиббиёт бирлашмасига (18.09.2024 йил, №3534-2-208-TV буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* ЭФЭ билан абактериал муҳитни қўллаш, ташхис ва даволаш сифатини яхшиланишга, асоратлар ривожланиш хавфини камайтиришга ёрдам берган. *Иқтисодий самарадорлик:* ЭФЭ-А билан абактериал муҳитни қўллаш, даволаш харажатларини қисқартиришга ёрдам берган, бир нафар бемор ҳисобига 630 000 сўм бюджет маблағлари ва 120 000 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берди. *Хулоса:* ЭФЭ-А билан абактериал муҳитни қўллаш, оёқ панжалари ампутация даражасини 19,2% дан 6,2% га, юқори болдир соҳасидан ампутацияни 1,7% га, сон ампутациясини 25,0% дан 12,5% га, реампутацияни 5,3% га камайтиришга ёрдам берган.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор оёқларда оғир даражали критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд беморларда товон болдир соҳасидаги йирингли некротик жароҳатларни даволашда маҳаллий абактериал муҳитда

ультрабинафша нурлар ва электрофаол эритмасини лаваж усулида олти соатдан кунига икки бор қўллаш билан даволашнинг янгича оптимал усули ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ЭФЭ-А эритмаси билан 6 соат давомида икки марта лаваж ўтказилиб сувда эрувчи малҳам билан ЭФЭ-А нинг асептик боғлам остида қўлланилиши диабетик товон синдроми билан оғриган беморларда пастки муччаларнинг оғир даражадаги критик ишемиясини даволашда самарали усул эканлиги исботланган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига (09.09.2024 йил, №1651-2-42-TV/2024 сон) ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (18.09.2024 йил, №3534-2-208-TV буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган даволаш усули асоратлар фоизини сезиларли даражада камайтиришга, даволаш сифатини яхшиланишига ва беморларнинг тикланиш муддатларини қисқартиришга ёрдам берган. *Иқтисодий самарадорлик:* беморнинг касалхонада ётиш вақтини ўртача 6 кун қисқариши билан, 1 нафар бемор ҳисобига 630 000 сўм бюджет маблағлари ва 510 000 сўм бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган. *Хулоса:* ишлаб чиқилган янги даволаш усули, абактериал муҳитда ЭФЭ-А эритмаси билан 6 соат давомида икки марта жархатни ювиш (лаваж) ўтказилиб, сувда эрувчи малҳам билан ЭФЭ-А нинг асептик боғлам остида қўлланилиши, диабетик товон синдроми билан оғриган беморларда пастки муччаларнинг критик ишемиясига қарши самарали даволаш усули эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва талабгирлиги, ишнинг мақсади ва вазифалари асосланади, ўрганиш объекти ва предмети тавсифланади. Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг истикболли йўналишларига мослиги кўрсатилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилади. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш тизими амалиётига тадбиқ этиш бўйича маълумотлар келтирилган, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертация ишининг "**Диабетик товон синдроми муаммоси тўғрисида замонавий тасаввурлар (Адабиётлар шарҳи)**" деб номланган биринчи бобида диабетик товон синдромини диагностика қилиш ва

даволашнинг замонавий муаммолари ёритилган. Оёқларда артериялар шикастланишини аниқлаш учун қўлланадиган диагностика усуллари таърифланган, бугунги кунда фойдаланилаётган диабетик товон синдромининг таклиф қилинган ва қўлланаётган таснифлари замонавий суръати берилган, оёқларда критик ишемиянинг клиник белгилари ва уни даволашнинг ўзига хосликлари аниқланган. Мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг замонавий тадқиқот натижаларига кўра критик ишемия мавжуд беморларнинг диагностикаси ва уларни даволашда кам инвазив эндоваскуляр амалиётларни қўллаш ҳолати кўрсатилган.

Диссертация ишининг "**Тадқиқотнинг материаллари, усуллари**" деб номланган иккинчи бобида Бухоро Давлат тиббиёт институти клиник базасида 2010-йилдан 2023-йилгача бўлган даврда стационарда даволанган, оғир даражада шикастланган диабетик товон синдромида оёқларнинг критик ишемияси (Wagner, 1979 бўйича III-V) мавжуд 104 нафар беморнинг клиник тавсифи берилган.

Тадқиқотнинг вазифаларига мувофиқ, барча беморлар шартли равишда 2 гуруҳга бўлинди: I-таққослаш гуруҳига диабетик товон синдромида оёқ кафтининг критик ишемияси мавжуд 56 нафар (53,8%) бемор киритилди, уларда анъанавий маҳаллий даволаш усули олиб борилди, у: ангиографик тадқиқот ва эндоваскуляр амалиёт, шунингдек маҳаллий жарроҳлик амалиёти ва яраларни антисептик препаратлар билан қайта ишлашни ўз ичига олган. (1-жадвал).

1-жадвал.

Беморларнинг даволаш чораларининг турига боғлиқ равишда тақсимланиши (n=104)

Беморлар гуруҳи	Даволаш усуллари	Беморларнинг сони
I	- Анъанавий даволаш усули: - Даволаш тактикаси: анъанавий даволаш усулида ангиографик тадқиқот қўллаш	n = 56
II	- Даволаш тактикаси: эндоваскуляр амалиёт + маҳаллий абактериал муҳит қўллаган ҳолда ангиографик диагностика	n = 48

Текширилган беморларда йирингли-некротик шикастланишларни аниқлашда Wagner (1979) таснифидан фойдаланилган.

Ангиографик тадқиқотнинг ўзига хосликлари, оёқларда томирлар шикастланган жой жойлашуви ва шикастланиш даражасини эътиборга олиб эндоваскуляр кам инвазив амалиётларнинг қуйидаги турлари аниқланган: балонли ангиопластика (томирлар делатацияси), стенозланган томирлар стентланиши, окклюзияли томирларнинг реканализацияси.

Назорат гуруҳидан фарқли равишда II- гуруҳ беморларида оёқлардаги яраларни маҳаллий даволашда абактериал муҳит яратилиб Электрофаол А-эритмадан (ЭФЭ-А) фойдаланиб қўлланган. ЭФЭ-А нинг бактериоцид хусусиятларини эътиборга олиб, абактериал муҳит шароитида шикастланган оёқга ЭФЭ-А эритмасидан фойдаланилиб жароҳатга лаваж қўлланилган. Абактериал муҳит кунига 2 маҳал 6 соатдан димексиднинг 25% эритмаси ва


левомикол маз воситасида асептик боғлам қўллаб уйғунликда ҳосил қилинган. II-гуруҳ беморларига муружаат кунида тезкор тартибда йирингли ўчокни очиш операцияси амалга оширилган ва йиринг соҳаси антисептик 3% водород пероксиди эритмаси билан ишлов берилиб қуритилгандан сўнг 25% диметилсулфоксид кимёвий эритмаси билан санация олиб борилган, шундан сўнг ЭФЭ-А эритмасидан фойдаланиб абактериал муҳитда жарохат лаважи ўтказилган.

Яра битишининг иккинчи босқичида абактериал муҳит қўлланиши тўхатилди, яра санацияси католит электрфаол эритмаси (ЭФЭ-К) амалга оширилди, яра тепаси левомикол мази билан қайта ишланган ва яра аппликацияси 25% диметилсулфоксид билан аралашган анолит билан намланган салфеткада бажарилди. Боғламлар ҳар куни 1 маҳал алмаштирилган.

Беморларнинг иккала гуруҳи ҳам антисептиклар қўллашдан аввал, ярадан стерил шарларга микробиологик тадқиқот учун яра ажралмаси олинган. Антибиотик терапияси яра микрофлорасининг таъсирчанлигини эътиборга олиб амалга оширилган.

Абактериал муҳитни қўллаш мосламаси ва усули.

Қўйилган вазифаларни ечиш учун биз бошқариладиган абактериал муҳитда оёқда йиринг-некротик яраларни даволаш учун ихтиро қилган мосламамиздан фойдаланидик, ихтирога патент № FAP 2400.



1-расм. Бошқариладиган абактериал муҳитда оёқда йирингли-некротик яраларни даволаш учун мослама.

Абактериал муҳитда оёқда йирингли-некротик яраларни даволаш учун мослама, бу ерда: 1 - абактериал муҳитни яратиш учун 5 мм қалинликда оргшишадан тайёрланган даволаш камераси, 2 - трапециясимон шаклда камера деворлари, 3 - камеранинг орт девори, ўлчами $250 \times 250 \times 5 \text{ мм}^3$, 4 - камеранинг олд девори; 5 - элементларни маҳкамлаш учун ўйик; 6 - резина таглик; 7 - зангламайдиган пўлатдан ҳалқа-қисқич; 8 - поливинилхлорид асосли сунъий теридан тайёрланган кириш ва чиқишга эга кесилган конус кўринишида ғилоф; 9 - оёқда маҳкамлаш учун резина хомут; 10 - ўйикка эга 5 мм қалинликда оргшишадан тайёрланган бурчак; 11 - квадрат шаклда устун; 12 - оқава; 13 - лаваж амалга ошириш учун эритма солинган 200 мл ҳажмли махсус сифим; 14 - дори моддалари оқимининг тезлигини бошқаргичи; 15 - дори моддаларини тақсимлаш учун ўйикларга эга дренаж трубка; 16 - ҳалқа билан илмоқ кўринишида дренаж трубка маҳкамлагичи; 17 - ишлаган

суюқликни чиқариш учун дренаж трубка; 18 - ишлаган суюқлик чиқишини назорат қилиш учун кран; 19 - ишлаган суюқликни тўплаш учун қабул қилувчи қоп; 20 - ультрабинафша нурлар манбаи (лампа); 21 - 220 В электр токи манбаи; 33 - оёқ учун силикон ёстиқча; 23 - дренаж трубка учун учлик (1-расм).

Йирингли яраларни даволашнинг: йирингли ўчоқни очиш, йиринг бўшлиғини ревизия қилиш ва антисептик эритмалар билан санациялаш ва зарурат бўлганда, йирингли-некротик шикастланган оёқни маҳаллий даволаш усули сифатида некрэктомия ўтказиш каби асосий принципларига риоя қилгандан сўнг таклиф қилинган мослама сифатида даволашнинг кейинги босқичига ўтилади. Бунинг учун бемор палатасида йиғилган ва олдиндан тиббиёт эритмалари билан қайта ишланган мосламага ўрнатилган ультрабинафша нурлар манбаи (лампа) (18), камерада (1) абактериал муҳит ҳосил қилиш учун 220 В электр манбаи ёрдамида 3 дақиқа ёқилади. Бемор белига ётқизилади, унинг шикастланган оёғи эса поливинилхлорид асосли сунъий теридан тайёрланган, кириш ва чиқиш ўйиқлари билан кесилган конус кўринишида ишланган ғилоф орқали (8) мослама камерасида (1) махсус силикон ёстиқчага (22) киритилади. Оёқ болдир соҳасида ғилофда (8) ишланган, ён деворларнинг (2) ички бурчакларига ўрнатилган тўрт бурчакда (10) резина таглик (6) ва камеранинг (1) олд девори (4) ўйиқлари (5) орқали зангламас пўлатдан (7) тайёрланган ҳалқа-қисқич (7) билан маҳкамланган резина хомут (9) билан бўғланади.

220 В электр манбаи (21) ёрдамида оёқ киритилган камерада абактериал муҳит яратиш учун ультрабинафша нурлар билан икки биодозада нурланади (18). Махсус сиғимдан (13) учлик (23) орқали тизимнинг дренаж трубкалари (15) бўйлаб, оқимни тезлигини бошқаргич (14) ёрдамида 6 соат давомида оёқнинг шикастланган соҳаларига дори воситаси берилади (равон лаваж).

Параллел равишда, камеранинг (1) пастки деворида (2) чуқур (12) ўйиғига (12) ўрнатилган тизимнинг дренаж трубкаси (17) орқали кран (18) ёрдамида ишлаган суюқлик қоп-қабул қилгичга (19) олинади. 6 соат ўтгандан кейин дори воситалари оқими тезлигини бошқаргичи (14) ва кран (18) ёпилади. Ишлаган суюқлик утилизацияланади. Оёқ мосламадан бўшатилади ва яраларга асептик боғлам қўйилади. Мосламадан тузалиш белгилари юзага келгунга қадар фойдаланилаган.

Ҳар сафар мосламадан фойдалангандан сўнг унинг ечма элементлари ажратилиб, деионизацияланган сувнинг 9 қисмида аралаштирилган 5% гипохлорит натрийнинг (дезинфектант) 1 қисмидан ташкил топган дезинфекцияловчи моддалар билан, шунингдек, қуритилгандан сўнг 4 дақиқа давомида ўзининг лампаси ультрабинафша нурлари ёрдамида қайта ишланаган.

Барча беморлар Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг минтақавий семинарида (Киев, 1963) қабул қилинган ёш гуруҳлари таснифига мувофиқ жинси ва ёши бўйича тақсимланган.

I- гуруҳда 29 ёшдан 78 ёшгача бўлган (ўртача ёш $56,6 \pm 5,2$ ни ташкил этди) 36 нафар (64,3%) эркаклар ва 20 нафар (35,7%) аёллар бўлди. II-гуруҳда - 28 ёшдан 79 ёшгача бўлган (ўртача ёш $52,4 \pm 4,6$ ни ташкил этди) 29 нафар (60,4%) эркаклар ва 19 нафар (39,6%) аёллар бўлди. Аксарият беморлар (66,3%) энг меҳнатга лаёқатли ёшда (38 ёшдан 60 ёшгача) бўлган.

Беморлар қабул қилинганида умумий интоксикация белгилари бўйича ажратилди: тана ҳароратининг кўтарилиши ёки турғун субфебрилитет, тери рангининг оқариши, кам кўзғалувчанлик, суст пулс фониди тахикардия, конда СОЭ ортиши, лейкоцитоз ва формуланинг чапга силжиши. Умумий симптоматика билан параллел равишда касалликнинг маҳаллий белгилари ифодаланди: оёқнинг шикастланган соҳасида гиперемия, шиш ва тўқималар инфилтратсияси. Даволаш жараёнида бу интоксикация кўрсаткичлари, инфекцияга яллиғланиш реакциялари тобора меъёрлашди.

Қоннинг клиник таҳлили эритроцитлар, гемоглобин миқдори ва тромбоцитлар сонини аниқлаш, скрининг тестлар ўтказишни ўз ичига олди; лейкоцитлар сони аппарат усулда ("Целлоскоп" мосламаси) аниқланди. Лейкоцитар интоксикация индекси (ЛИИ) Я.Я.Кальф-Калифу (1927) формуласи бўйича ҳисобланди.

Бактериологик тадқиқот операция вақтида мушак, шунингдек яра ўрни тўқимасидан ажралмани икки манбада олиниб, яра микрофлорасини сон ва сифат даражасини ва унинг антибиотикларга таъсирчанлигини аниқлаш йўли билан олиб борилди.

Анаэроб бактерияларни ажратиш учун биз В.И.Кочеровец ва ҳаммуал. таклиф қилган усулдан фойдаландик.

Аэроб бактерияларнинг таъсирчанлиги зич озуқа муҳитида стандарт дисклардан диффузия усулида, анаэроб микроблар - антисептикли ўйиқлардан фойдаланиб агарда диффузия усулида аниқланди.

Эндоген интоксикация даражаси 210 нм тўлқин узунлигида спектрофотометрия ёрдамида ўртача молекуляр пептидлар (ОСМ) ҳажми бўйича баҳоланди.

Беморларда артериал оқим ҳолатини баҳолаш мақсадида VIVIDE60 (АҚШ) аппаратидан фойдаланиб ултратовушли дуплекс ва триплекс ангиосканерлаш усули қўлланди.

Ангиографик тадқиқот. Облитерацияловчи касалликларнинг диагностикасида рентгенконтраст ангиографик тадқиқот "Олтин стандарт" бўлиб қолмоқда. Унинг ёрдамида стенознинг жойлашуви, катталиги, даражаси ва характерини, оёқларда магистрал артерияларнинг окклюзияли шикастланишини аниқлаш, коллатерал оқим ҳолатини баҳолаш мумкин. Тадқиқотлар PHILIPS AlluraCentron (Нидерландия) тизимидан фойдаланиб, болдир ёки елка артериясини Селдингер усули бўйича катетерлаш воситасида амалга оширилди.

Сон кўрсаткичлари Шапиро-Уилк ($n < 50$ да) ва Колмогоров-Смирнов ($n > 50$ да) мезони бўйича танлов тақсимланиши нормаллигига баҳоланди.

Сон маълумотларида уйғунликларнинг танланган ўзаро муस्ताқил қаторлари ўртача қийматларини таққослаш учун Стюдентнинг т-мезони ҳисобланди. Олинган натижа критик қийматлар билан таққослаб баҳоланди. Агар аҳамият даражаси ҳисоби $p < 0,05$ қийматда бўлса, кўрсаткичлардаги фарқ статистик аҳамиятли деб олинди. Қиёсий таҳлил учун мазкур танловлар тақсимланиши нормаллиги белгилари кузатилмаганда Манн-Уитнининг U-мезинидан фойдаланилди.

Таққослаш берилган аҳамият даражасида Манн-Уитнининг U-мезони ва критик қийматларда амалга оширилди. Агар олинган қиймат U критик қийматга

нисбатан \leq бўлса, унда бу ҳолатда фарқларнинг статистик аҳамияти тан олинди.

Диссертация ишининг “**Оёқларнинг критик ишемияси мавжуд беморларда диабетик товон синдромини анъанавий усулда даволаш самарадорлигини баҳолаш**” деб аталган учинчи бобида оёқда критик ишемия билан диабетик товон юзасидан 56 нафар беморни даволаш натижаларининг самарадорлиги баҳоланди, бунда диагностика ва даволаш тактикасини аниқлашда ангиографик тадқиқот ҳамда абактериал муҳит қўлламасдан маҳаллий даволаш усулидан фойдаланилди.

Аксарият ҳолатларда қабул қилинган вақтда беморларнинг умумий ҳолати ўрта оғир ва оғир бўлди. Аксарият ҳолатларда шикастланган оёқларда томирларнинг дуплекс ангиосканерланиши қуйидагиларни аниқлади: a.poplitea a.tibialis posterior, a.tibialis anterior, a.dorsalis pedis, стенози ҳисобига томирлар ўтказувчанлиги критик камайган.

Оёқда йирингли-некротик шикастланиш баҳоланганда, биз Wagner (1979) таклиф қилган таснифдан фойдаландик. Қуйида мазкур тасниф бўйича назорат гуруҳи беморларининг тақсимланиши келтирилган (2-жадвал).


2-жадвал.

Беморларнинг Вагнер бўйича шикастланиш даражасига кўра тақсимланиши

Беморлар гуруҳи	0	I	II	III	IV	V	Жами
I. таққослаш гуруҳи	-	-	-	14 (25,0%)	20 (35,7 %)	22 (39,2%)	56

Таққослаш гуруҳи беморлари клиникасида қабул қилингунга қадар оёқ қафти йирингли-некротик шикастланиши (ОКЙНШ) давомийлигининг таҳлилидан, 56 нафар (100%) бемордан, 26 нафар (46,4%) беморлар клиникага касаллик бошланганидан 30 кун ёки ундан ортиқ вақт ўтиб қабул қилингани маълум бўлган. 31 нафар (55,3%) бемор клиникамизга муваффақиятсиз даволаниш туфайли бошқа тиббиёт муассасаларидан келиб тушган. Кеч қабул қилинган, оёқ шикастланиш даражаси IV-V бўлган беморларнинг аксариятида интоксикация белгилари ифодаланди (2-расм).

Қабул қилинган муддатлар бўйича тавсиф



2-расм. Таққослаш гуруҳи беморларининг қабул қилинган муддатлари бўйича тақсимланиш тавсифи

Назорат гуруҳи беморларида оёқнинг йирингли-некротик шикастланиши баҳоланганида куйидагилар аниқланди: аксарият ҳолатларда беморларда I-бармоқ, 5 нафар (8,9%); I-II бармоқлар 6 нафар (10,7%) беморда, тоvon 10 нафар (17,8%) беморда, тоvon 11 нафар (19,6%) ва болдир 5 нафар (8,9%) беморда шикастланган. Қолган беморларда оёқнинг бошқа қисмлари, 19 нафар (33,9%) беморларда II-бармоқ – 3 нафар (5,3%), III-бармоқ – 5 нафар (8,9%), IV-бармоқ – 4 нафар (7,1%), V-бармоқ – 7 нафарда (12,5%) шикастланган.

Операцияга тайёргарлик метаболит ва электролит бузилишларни ва уларни тузатишнинг баҳоланишидан бошланди.

Барча беморлар қандли диабет (ҚД) туридан қатий назар “интенсив инсулинтерапия” принципи бўйича қисқа таъсир қилувчи инсулинга ўтказилган.

Консерватив чора-тадбирлар комплексига шунингдек ёндош касалликларни даволаш ва қон реологик хусусиятларида бузилишларни тузатиш киритилган. Тезкор жарроҳлик амалиётларига кўрсатмалар энг аввало, бармоқлар ва оёқ тоvon нам гангрена, оёқ тоvon флегмонаси, шунингдек яллиғланишнинг болдирга ўтиши билан оёқ тоvon флегмонаси, бемор ҳаётига хавф солувчи оғир даражали интоксикация бўлди. Операция бундай ҳолатларда, одатда, бемор ҳаётини сақлаш мақсадида амалга оширилган.

Диабетик анамнез, таққослаш гуруҳида 56 нафар бемор орасида қандли диабет 5 нафар (8,9%) беморда биринчи бор аниқланганлигини кўрсатди.

Назорат гуруҳи беморлари йирингли некротик яраларида микрофлорани ўрганиш, куйидаги ҳолатларни аниқлади: 3.3-жадвалдан кўриш мумкинки, таққослаш гуруҳида текширилган 56 нафар беморда 64 штамм аэроб микрофлора аниқланган. Аксарият ҳолатларда *Staph.aureus* (45.3%), *Proteusspp.* (26.5%) кузатилди. *Streptococcus* ва *E. coli* микрофлоранинг учраш фоизи мос равишда 18,7% ва 10.2% га етди.

Тадқиқотимизда турли хил гуруҳларнинг синхронлигини сақлаш учун тадқиқотларга анаэроб инфекцияли беморлар киритилмаганлигини айтиб ўтиш лозим.

Беморлар ҳолатини баҳолашнинг навбатдаги мезонлари организм умумий интоксикациясининг кўрсаткичлари бўлди. Уларнинг динамикаси 3-жадвалда акс этган.

Даволашнинг биринчи суткасида беморлар тана ҳарорати ўртача $39,5 \pm 0,04$ °C ни ташкил этди. Қонда лейкоцитлар миқдори ўртача $10,8 \pm 0,23 \cdot 10^9$ /л га тенг бўлди. Ўртача молекулаларнинг ҳажми ўртача $0,317 \pm 0,009$ бирликни ташкил этди. Худди шундай ЛИИ ва СОЭ кўрсаткичларининг мос равишда $3,6 \pm 0,05$ ва $52,5 \pm 1,66$ гача ортиши қайд этилди. МСМ, Л, ЛИИ, шунингдек СОЭ нинг юқори даражаси мазкур тоифа беморларда ифодаланган эндотоксикозни акс эттирди.

Даволашнинг еттинчи суткасида ОКЎНШ мавжуд текширилган таққослаш гуруҳи беморларида сезилмас даражада субфебрилитет сақланди ($37,9 \pm 0,04$ °C). Бунда организмнинг интоксикацияси кўрсаткичларига кўра: қонда Л, МСМ, ЛИИ ва СОЭ қийматларининг камайиши кузатилди, яъни

меъёрлашиш томонига тенденция давом этди - мос равишда $9,6\pm 0,14$, $0,187\pm 0,006$, $2,4\pm 0,06$, $30,8\pm 0,92$.

3-жадвал.

Таққослаш гуруҳи беморларида интоксикация кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси (n=56)

Кўрсаткичлар	Меъёр	Суткалар				
		Дастлабк и суткалар	о/к 3 сутка	о/к 7 сутка	о/к 9 сутка	о/к 12 сутка
Тана t^0	36,6	$39,5\pm 0,04$	$39,2\pm 0,04^{***}$	$37,9\pm 0,04^{***}$	$37,2\pm 0,04^{***}$	$36,7\pm 0,04^{***}$
L-қон	6,0	$10,8\pm 0,23$	$10,5\pm 0,12^{***}$	$9,6\pm 0,14^{***}$	$8,6\pm 0,06^{***}$	$6,7\pm 0,03^{***}$
МСМ	0,120	$0,317\pm 0,009$	$0,288\pm 0,004^{***}$	$0,187\pm 0,006^{***}$	$0,136\pm 0,004^{***}$	$0,111\pm 0,003^{***}$
ЛИИ	1,2	$3,6\pm 0,05$	$2,9\pm 0,05^{***}$	$2,4\pm 0,06^{***}$	$1,9\pm 0,04^{***}$	$1,2\pm 0,02^{***}$
СОЭ	10	$52,5\pm 1,66$	$44,5\pm 1,2^{***}$	$30,8\pm 0,92^{***}$	$18,4\pm 0,89^{***}$	$14,1\pm 0,13^{***}$

Эслатма: * - олдинги даволаш суткаларида кўрсаткичларга нисбатан фарқлар аҳамиятли (***) - $P < 0,001$).

Юқорида келтирилган кўрсаткичларга параллел равишда, биз, олиб борилаётган терапия самарадорлигини баҳолашда клиник-биокимёвий тестларни ўргандик.

Қонда қанд миқдори даражасининг ўрганилиши, клиникага қабул қилинган пайтда, ўртача, у $13,8\pm 2,3$ ммоль/л ни ташкил этганлигини кўрсатди.

Томирлар функционал ҳолатини ўрганиш дуплекс ангиосканерлаш ёрдамида, регионар МСС ва МДС ни аниқлаш йўли билан олиб борилди. Қабул қилинган а. Poplitea, а. tibialis posterior томирларни текшириш натижалари, МСС, МДС меъёрдан аҳамиятли даражада камлигини кўрсатди - мос равишда $30,5\pm 1,2$ ва $2,2\pm 0,16$.


Беморларнинг назорат гуруҳида жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини аниқлаш учун болдир ва оёқ қафти томирларининг эндоваскуляр рентгенологик диагностикаси олиб борилди. Ангиографик диагностика натижаларини эътиборга олиб, шикастланган томирда қон оқимини бартараф этиш учун эндоваскуляр кам инвазив жарроҳлик амалиёти усули танланди. Бунда биз оёқ қафтининг турли даражаларида томирлар ва уларнинг йўллари ва болдир томирлари анатомиясини эътиборга олдик.

Барча жарроҳлик амалиётлари мос келувчи операциядан кейинги тайёргарликдан сўнг, тезкор тикиш тартибда ўтказилди.

Рентген контраст ангиографик тадқиқот олиб борилганида I-гуруҳ беморларида тизза артерияси остидаги томирлар ва оёқ қафти I- даража томирлари 29 нафар (51,7%) беморларда шикастланганлиги аниқланди (кичик болдир, олд ва орт катта болдир артериялари). 13 нафар (23,2%) беморларда оёқ қафтининг II-томирлар даражасида стеноз ва окклюзия қайд этилди (оёқ қафтининг орт, медиал товон артерияси). 14 нафар (25,0%) беморларда оёқ қафти III-даража томирларигача стеноз ва окклюзия кўринишида томирлар шикастланиши қайд этилди.

Ангиографик диагностика ва эндоваскуляр амалиётлар усули II-бобда батафсил таърифланган усулда қўлланди.

Оёқ кафтнинг I-даражаси шикастланган 29 нафар бемордан 14 нафар (48,2%) беморда тизза ости артерияси даражасигача болдир артерияси ўрта сегменти томирларининг стентланиши амалга оширилди (3-расм).



3- расм. (Ангиография). Бемор С., оёқнинг 90% критик ишемияси билан ДТС, тизза ости артерияси даражасигача болдир артерияси ўрта сегменти томирларининг стенози.

Оёқ томирларини стентлаш усули.

Оёқ товон шикастланган томирларини стентлаш баллон кенгаювчи стентларга қараганда, юқори эгилувчанликка эга ўзи кенгаювчи стентлардан фойдаланиб амалга оширилди. Стент кўрсатмаси ангиопластиканинг мустақил усули ҳисобланмайди ва баллон дилатациясидан кейин ёки диссекцияинтима каби тери орқали транслюминал баллон ангиопластикаси асоратларини бартараф қилишдан сўнг 45-50% гача резидуал стеноз юзага келган ҳолатда қўлланади.

Оёқ панжа I-даража томирлари шикастланган 29 нафар бемордан 15 нафар (51,7%) беморда оёқ кафти томир артерияларининг окклюзияли-стенотик шикастланиши билан боғлиқ бўлган, оёқларда сурункали ишемия туфайли шикастланган томирларнинг реконализацияси билан баллон ангиопластикаси ўтказилди. Кейинчалик юқорида келтирилган усулда шикастланиш соҳасини стентлаш амалга оширилди.

Оёқ томирларда баллон ангиопластикасини (дилатация) амалга ошириш усули. Оёқларда стентланган томирларнинг баллон ангиопластикаси Сиролимус дори қопламасига эга 5-авлод ангиопластика балон мосламасидан фойдаланиб олиб борилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, 56 нафар бемордан 5 нафарида (38,4%) шикастланган томирларнинг стентланиши амалга оширилди. 8 нафар (61,5%) беморда кўрсатмалар бўйича баллон ангиопластикаси билан томирларнинг реконализацияси амалга оширилди. Бунинг учун томирлар даражаси белгилангандан сўнг томирлар реконализацияси бажарилди .(4;5 расм)



4-расм. Балон ангиопластика



5-расм. Балон ангиопластикадан кейин

Оёқ товон томирлари III-даражада шикастланган 10 нафар беморнинг (ёйсимон, орт, плуст артериялар) 4 нафарида (40%) баллон ангиопластика билан реканализация операцияси амалга оширилди. 6 нафар (60%) беморда томирларнинг 3-даражасида артериянинг окклюзия-стенотик шикастланиши билан боғлиқ бўлган, оёқларда сурункали ишемиянинг оғир шакли туфайли шикастланган томирларнинг реканализациясини амалга ошириш билан чекландик.

Беморларнинг назорат гуруҳини даволаш натижаларининг таҳлили қуйидаги статистика маълумотларини берди: летал якун, Вагнер бўйича V-даража шикастланиш аниқланган, касалликнинг кеч муддатларида қабул қилинган 3 нафар беморда қайд этилди. Шулардан иккитаси кексалик ёшида бўлди (64 ёш ва 68 ёш). Анамнездан улардан бири бир йил олдин миокард инфарктини бошидан кечирган. Комплекс детоксикация ва ихтисослаштирилган даволаш олиб борилганига қарамасдан, 5-суткага келиб уларда оғир интоксикация ва полиорган етишмовчилиги фонида летал якун қайд этилди.

Шикастланиш даражаси, унинг даражаси ва жойлашуви, обектив, субектив тадқиқотлар маълумотлари, шунингдек дуплекс ангиосканерлаш натижаларини эътиборга олиб, кўрсатмаларга кўра назорат гуруҳида текширилган 56 нафар бемордан 11 нафар (19,6%) беморда болдир даражасида ампутация, 14 нафар (25,0%) беморда оёқ кафтининг атипик резекцияси, 19 нафар (33,9%) беморда бармоқлар ампутацияси, 11 нафар (19,6%) беморда некрэктомия бажарилди.

Шундай қилиб, тадқиқотимизда қуйидаги қониқарсиз натижалар кузатилди: 9 нафар (10,7%) беморда операциядан кейин яранинг йиринглаши, шулардан 3 нафарида (5,3%) даволаш болдирнинг мажбурий реампутацияси билан якунланди.

Қиёсий-гуруҳ беморларини даволашнинг ўртача давомийлиги $9,8 \pm 1,1$ кунни ташкил этди.

Шундай қилиб, назорат гуруҳи беморларини ўрганиш натижаларининг таҳлили, оёқда критик ишемиянинг оғир шаклларида замонавий эндоваскуляр амалиёт ҳамда яраларни маҳаллий даволашнинг маълум усулларини қўллаш

диабетик товон синдромида самарали усул ҳисобланишини, бироқ такомиллаштирилган даволаш усуллари талаб қилувчи асоратлар кўринишида бир қатор камчиликларга эга эканлигини кўрсатди. Бизнинг фикримизча, ДТС мавжуд беморларни маълум даволаш усуллари қўллаб даволаш йирингли яраларни такомиллашган даволаш усуллари талаб қилади ва бу билан мазкур тоифа беморларни даволаш натижаларини яхшилашга эришиш мумкин. Юқорида келтирилганларнинг барчаси даволаш натижаларини яхшиланиши, асоратлар сони, летал ҳолатлар ҳамда операциядан кейинги асоратларнинг камайишига олиб келувчи кам жароҳат етказувчи амалиётлар билан даволашнинг янги ёндашувини ишлаб чиқиш учун асос бўлди.

Биз даволаш усуллари диабетик товон синдромимавжуд беморларни комплекс даволашда маҳаллий абактериал муҳит қўллаш йўли билан такомиллаштиришга қарор қилдик. Навбатдаги боб шу мавзуга бағишланган.

Диссертация ишининг “**Диабетик товон синдромимавжуд беморларни даволашда маҳаллий абактериал муҳит қўллаш самарадорлигини баҳолаш**” деб номланган тўртинчи бобида оёқларида критик ишемия билан диабетик товон синдроми мавжуд бўлган 48 нафар беморни даволаш самарадорлигини баҳолаш натижалари тақдим этилган.

Айтиш жоизки, беморлар қабул қилинган кун илк муолажадан олдин яра деворидан (стерил шар ёрдамида) ёки яра ажралмасидан (яра эксудати) мақсадли йўналтирилган антибиотик терапиясини олиб бориш мақсадида бактериологик тадқиқот учун материал олинди. Ҳолати яхшилانган беморларни шифохонадан чиқаришдан бир кун олдин абактериал муҳит муолажаси тўхтатилди. Тузалган барча беморлар яра жараёнининг иккинчи фазасида уйларига қўйиб юборилди.
